Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 27 ноябрь, шанба • № 93 (11.176) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январь — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, «Фидокорлар», «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислом Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган хабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлажак сайловларда «Фидокорлар» миллий-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор этган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз қурултойида мазкур партия биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган.

24 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Фидокорлар» миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. КОМИЛОВ.

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи котиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А.М. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. КОМИЛОВ.

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, «АДОЛАТ» ВА «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯЛАРИ ҚУРУЛТОЙЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли ватандошлар!

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида, сиёсий партиялар қурултойларида менинг номзодим бўлажак сайловларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилгани учун чин юракдан самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизларнинг бу юксак ишончингиз менга кучғайрат бағишлаши билан биргаликда зиммамга катта масъулият юклашини ҳам чуқур ҳис этаман.

Бундан буён ҳам бағри кенг ва танти халқимизнинг менга боғлаётган орзу умидларини рўёбга чиқариш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, озод Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини изчил давом эттириб, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш йўлида ўзимнинг меҳнатим, билим ва тажрибамни аямайман.

Озод ва обод Ватан барпо этишдек эзгу, муқаддас ниятга эришиш йўлида қилаётган бунёдкорлик ишларингизда барчангизга зафарлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ВИЛОЯТ ҳаёти

• **ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати санаторий-профилакторийси йирик саломатлик марказига айланган. Бу ерда муолажанинг турли йўналишларида даволаш ишлари олиб борилмоқда.**

Мазкур шифохона ташаббуси билан корхонада «Дам олиш ва саломатлик цехлари» ҳам ташкил этилди. Бу цехлар ҳам кончилар соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланмоқда.

Санаторий-профилакторий шундай намунали фаолияти учун вилоят корхоналаридаги энг яхши саломатлик маскани деб топилди.

• ҲАЛҚАРО СОРОС жамғармаси томонидан ўтказилган танловда Тошкент вилоятининг «Турон» кутубхонаси ҳам фаол иштирок этди. Ушбу беллашувда яхши кўрсаткичга эришганлиги учун мазкур зиё маскани замонавий технологик қурилмалар мажмуаси билан тақдирланди.

Кутубхона ишини автоматлаштириш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қиладиган технологиялар ўз жойларига ўрнатилди. Шу билан бирга мазкур мажмуа электрон почтага ҳам эга бўлди.

• **БЕКОБОДДА кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Чунончи, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 4-касб-ҳунар мактаби негизида ҳунар коллежи барпо қилинмоқда. Шу мақсадда уни қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу бунёдкорлик ишларига бирлашманинг қурилиш-монтаж трести, «Ўзметаллургқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Даврон ота» фирмаси қурувчилари жалб қилинди. Улар мавжуд биноларга қўшимча маъмурий-маиший мажмуани ҳам қуришяпти. Бу мажмуада ошхона, кутубхона, йиғилишлар, жисмоний тарбия заллари, дам олиш хоналари барпо этилади. Коллеж 450 ўқувчига мўлжалланган бўлиб бу ерда ёшлар турли металлургик касбларини ўганишади.**

1999 йил 5 декабрь — *Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*

2000 йил 9 январь — *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

ОВОЗНИ ЎЙЛАБ БЕРИНГ

Номзодларнинг сайловолди учрашуви давом этарди. Бирин-кетин минбарга чиққан беш номзод ўзининг ҳаракат дастури билан йиғилганларни таништирди. Диққат билан эшитиб ўтириб, бир нарсага эътиборимни қаратдим. Бешта номзоднинг ҳаракат дастури назаримда чуқур, ҳаётимизни атрофлича ўрганиб, инсон манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишни ўйлаб, тузилмагандек эди. Ундан ҳам қизиғи — айрим номзодлар ўз партиясининг сайловолди платформасини пухта ўрганмагани, ўз ҳаракат дастурини унга ҳамоҳанг қилиб киритмагани ҳам маълум бўлиб қолди...

«Билмаганни сўраб ўрганган олим» дейди халқимиз. Битта депутат ғолиб чиқадиган округда сайловчиларнинг ишончини қозониш ниҳоятда мушкул. Бунинг учун ҳар бир берилган саволга ўйлаб, пухта жавоб бериш, кўндаланг бўлган муаммони қонун йўли билан бартараф этиш, бунинг учун фидойи эканлигини икки ёки уч соат давом этадиган учрашувда намоён қилиш зарур бўлади.

Мен бир сайловчи сифатида ўзимнинг қизиқтирган саволларга айрим ҳолларда тўлиқ жавоб ололмадим. Бошқа сайловчилар ҳам шундай фикрда эканлигига ишонгим келади. Айниқса, бизнинг умидимиз сайловчилар ташаббускор гуруҳи тақдим этган номзоддан эди. Лекин, бу номзоднинг ҳам ҳаракат дастури маҳаллий, майда муаммоларни ҳал қилиш билан чегараланиб қолибди.

Ҳар бир сайловнинг туб моҳияти мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини янада янги поғоналарга кўтаришда фидокорлик кўрсатадиган мард ўғил ва қизларни сайлашдир. Сайловчиларнинг эса кутган орзулари бор: у ҳам бўлса бугунги ҳаётларини эртага янада яхши бўлишини таъмин этадиган қонунлар қабул қилинса. У овоз берган депутат шу қонунларни бекаму кўст ҳаётга татбиқ этса. Номзодларимиз энг аввало мана шу ҳакда ўйласалар, ўз виждонлари олдида ҳисоб берсалар, айни муддао бўларди.

Султон ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент тумани.

НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Оҳангарон туманининг Ғаллақудуқ қўрғонидаги 1-мактабда 36-«Озодлик» сайлов округидан Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Номзодлар тўпланганларни ўз сайловолди дастурлари билан таништирдилар. Уларнинг ишончли вакиллари эса, номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, ташкилотчилик ва ташаббускорлик салоҳияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Депутатликка номзодлар сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР ЎЗ ФИКРИГА ЭГА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи 173-Эски Қовунчи сайлов округида барча ташкилий ишлар ҳар томонлама пухта уюштирилгани боис сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари қонунларда белгиланган тарзда давом этмоқда.

Сайлов участкалари барча қўргазмали воситалар, сайловчилар учун зарур бўладиган маълумотлар билан бекаму-кўст таъминланган. Бу ерга ташриф буюрганлар сайловларга оид қонунлар, номзодларнинг таржимаи ҳоли ва ижтимоий фаолиятига оид маълумотлар билан бемалол танишишлари мумкин. Округ сайлов комиссияси аъзолари уларни очиқ чеҳра билан қабул қилишиб, исталган мавзудаги саволларига батафсил жавоб қайтарадилар.

Сайлов округи худудида истиқомат қилувчи жами 52250 нафар сайловчи белгиланган муддатда рўйхатга олиниб, махсус маълумотлар тахтасига осиб қўйилган. 3042 нафар ёшларнинг бу йил биринчи марта овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлигини ҳам ана шу маълумотлардан билиб олиш мумкин.

— Биз сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш даврида бу йил илк бор овоз берувчи ёшларга иложи борича кўпроқ тушунча беришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Зоиджон Устабобоев. — Жумладан, Халқобод ва Гулбаҳор қўрғонлари ҳамда Ниёзбош қишлоқларида номзодлар билан бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг фаол иштироки таъминланди.

Самад САРИМСОҚОВ.



СУРАТДА: 173-Эски Қовунчи сайлов округининг ёш сайловчилари.

Даврон АҲМАД олган сурат.

УЧТАДАН БИРИ ТАНЛАНАДИ

23-«Исандар» сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзодликка рўйхатга олинган 3 номзоднинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Ғазалкентдаги 1-мактабда ўтказилди.

Ҳокимият вакиллик органи, «Фидокорлар» миллий-демократик партияси, Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган мазкур номзодларнинг сайловолди дастурлари, ишончли вакилларнинг чиқишларини тинглаган сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоблар олдилар.

ЯНА БИР МУЛОҚОТ

Чирчиқ шаҳридаги 5-мактабда ҳам Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзоди рўйхатга олинганлар билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

14-«Трансформаторчилар» сайлов округидан номзоди кўрсатилган ҳокимият вакиллик органи, Халқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси вакиллари бўлмиш номзодлар ушбу тадбир қатнашчиларини ўз сайловолди дастурлари билан таништирдилар.

Сайловчилар ва номзодларнинг мазкур сайловолди мулоқоти ҳар икки томон учун ҳам қизиқарли тарзда ўтди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

МЕҲР-МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

Республика ногиронлар жамияти Тошкент вилояти бўлими 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Шу куни ногиронлар, ёлғиз қариялар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинади, уларга байрам совғалари улашилади. «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Маҳалла», «Наврўз», «Болалар» жамғармалари вилоят бўлимлари меҳр-мурувват тадбирларини ўтказади. 27 ноябрь куни хашар ўтказилиб, ундан тушган маблағ ана шу хайрия ишларига сарфланади.

Асосий тадбир Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтади. Шу куни «Металлург» маданият саройида катта хайрия концерти ўтказилади, савдо ярмаркалари ташкил этилади.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

• ҚИБРАЙ туманидаги «Бура ота» жамоа хўжалигида юз ўринли қишлоқ врачлик шифо маскани қуриб фойдаланишга топширилди. Уни тумандаги 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди. Замонавий асбоб-ускуналар ва лабораторияларга эга бўлган янги шифо масканида беморларга тез ва тўғри ташхис қўйиш ва уларни малакали даволаш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

• **БЕКОБОД шаҳридаги 12-ўрта мактабда «Тил — дил кўзгуси» номли адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Она тили ва адабиёти муаллимаси Умида Норқўзиеванинг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган кечада маънавиятимиз бойлиги бўлган она тилини улуғловчи шеърлар ва қўшиқлар янгради. Тадбир ниҳоясида ўқувчиларга шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг эсдалик совғалари топширилди.**

• КУЙИЧИРЧИҚ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигида фаолият юритаётган хусусий фермер Ҳамза Хуббалиев уч йилдан бери Қизил Шарқ участкасидаги 26-мактабга ҳомийлик қилиб келмоқда. Пахтачиликка ихтисослашган фермер йилни асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлади ва ўз аньанасига содиқ қолиб, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун дастурхон ёзиб, ош тортди. Бундан ташқари кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар ўқувчи болаларига 500 сўмдан ёрдам пули берди.

САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯМИЗНИНГ, ФАОЛЛИГИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ БЎЛСИН!

Конституция куни олдидан

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ҚОНУН

Қадим аждодларимиз азал-азалдан ҳар бир инсон эмин-эркин ва тўқ-фаровон яшайдиган, маънавий камол топадиган жамиятни орзу қилганлар. Жумладан, буюк қомусий аллома Абу Наср Ал-Форобий ўрта асрдаёқ ўзининг орзудаги шаҳар ва бахт-саодатга эришиш йўллари тўғрисидаги рисоласида ана шундай жамиятни яққол тасвирлаган. Ул зот давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга етаклаш эканини, бу эса илм-фан ва яхши аҳлоқ ёрдамида кушойиш топишини уқтирган. Бундай давлатга ҳар томонлама етук шахс раҳбарлик қилади, амалдорлар эса сайлаб қўйилади...

Шуларни эслаганда, ҳозирги вақтда баъзи бировларнинг гуё биз амал қилаётган демократия ғарб «неъмати» экани тўғрисидаги даъволари, беозор қилиб айтганда, унчалик тўғри эмаслиги аён бўлади. Зеро, кўҳна Турон заминда эл-юрт бундан қарийб минг йиллар муқаддам ҳам демократик тамойилларга асосланган жамият қуриш ғоялари билан яшаган. Бу ўринда европаликлар конституцион тузум нималигини, хатто ҳаёлига ҳам келтиролмаган даврда Амур Темур ҳазратлари «Темур тузуклари»ни тузиб, ўзининг буюк салтанатини ана шу тузуклар, ҳозирги тил билан айтганда, ўзига хос Конституция ёрдамида идора қилганини ҳам эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Афсуски, узоқ давом этган босқинчилар истилоси, зулм-истибдод, ўзаро уруш ва жанжаллар оқибатида юртнинг энг асл фарзандларининг элпарвар жамият қуриш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари бўғиб келинди. Халқимиз мустамлака тазйиқида яшашга мажбур қилинди, шўро замонида эса ўсти ялтироқ, ичи қалтироқ «конституция» тиқиштирилди.

Бироқ халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам буюк боболари, фозилу фузалоларининг меросини асраб-авайлаб келди, улар асосида ўз миллий қадриятларини шакллантирди, кўпдан-кўп авлодларни шу руҳда тарбиялади. Истиклол туфайли инсон манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишлари илк бор ҳар нарсадан устор деб эълон қилинди. Бу қоида асосий қонунимизда мустаҳкамланди. Мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллат тотувлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган мазкур Конституциямизга биноан Ўзбекистон суверен демократик республика деб эълон қилинди, давлатимизнинг бош вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланди.

Бу йил Конституциямиз қабул қилинганлигининг 7 йиллиги мамлакатимизда жуда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий аҳамиятга молик воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар қизғин паллага кирган, мамлакат Президенти сайловига тайёргарлик авж олиб бораётган бир вақтга тўғри келди.

Шуни айтиш жоизки, фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, аввало, давлатимизнинг асосий қонуни — Конституциямизда аниқ таърифлаб берилган. Уларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши кўрсатилган.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда барча ана шу ҳуқуқ ва эркинликлар Конституцияга мувофиқ қабул қилинган қонун-қоидалар доирасида тўлақонли амал қилмоқда. Бу ўринда биринчи навбатда мамлакатимизнинг сайловлар тўғрисидаги ва марказий сайлов комиссияси ҳақидаги қонунларини кўрсатиб ўтиш лозим. Уларда ҳар бир фуқарога берилган сайлов эркинлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқ ва бурчлари янада яққолроқ баён этилган, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари аниқ белгиланган.

Асосий қонунимизда эълон қилинган инсон манфаатлари устуворлиги фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган ҳозирги пайтда ижтимоий гуруҳлар — сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар фаолияти учун кенг имконият яратиб берилаётганида ҳам намоён бўлмоқда. Сайловга тайёргарлик арафасида сиёсий партиялар ва ҳокимият органлари номзодлари билан бирга, жойларда фуқароларнинг ташаббус гуруҳлари томонидан ҳам номзод кўрсатишдек ноёб тажриба вужудга келгани бу борада ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларда баён этилган жамият барча табақалари манфаатларини ҳисобга олиш ва уйғунлаштириш имконини беради. Президентимиз таъкидлаганларидек, сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг ҳоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфият, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади.

Маълумки, сайловлар фуқаролар сиёсий фаоллигининг асосий шакли бўлиб, унинг воситасида ҳар қайси сайловчи кимга овоз беришидан қатъи назар, аввало, ўз ҳоҳиш-иродасига, иймон-эътиқодига таяниб мустақил ва онгли равишда эркин овоз беради. Шуни унутмаслик керакки, янги асрнинг дастлабки беш йили давомида юртимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга эришиш кўп жиҳатдан бўлажак депутатларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Демак, номзодлар орасидан эл-юрт учун астойдил куйиб-пишадиган, илғор фикрли, янгиликка интилувчи, ташаббускор кишиларни сайлай билиш керак.

Бу эса ҳар бир фуқародан ўзига берилган ҳуқуқ ва эркинликларни яхши билишни, улардан келиб чиқадиган бурч ва вазифаларни оғишмай бажаришни тақозо этади. Бунда сайловчи ҳам, сайланувчи ҳам, сайлов жараёнини ёритувчи матбуот ҳам бирон бир тарзда бўлса-да ўзбошимчаликка йўл қўйиши мумкин эмас. Бу борадаги барча ишлар белгиланган қонун-қоидалар доирасида амалга оширилмоғи даркор. Зеро, ҳар қандай эркинлик, ҳар қандай демократия, таниқли немис ҳуқуқшунос олими В. Вольф таъкидлаганидек, муайян қонун изида бўлишидадир. Бу борада Конституциямиз ҳар биримиз учун муҳим дастуруламалдир.

Ёкуб ИБРОҲИМОВ.
(ЎзА).

ХАЛҚИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК!

«ФИДОКОРЛАР» МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

1. ҚОНУН УСТИВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Қонун олдида ҳамма баробар. Биз яккаҳокимликни қонун устуворлигини таъминлашдаги энг асосий тўсиқ деб биламиз. Чунки яккаҳокимлик адолатсизлик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, тўрачилик ва порахўрликни келтириб чиқаради.

Биз суд ҳокимиятининг тўлиқ мустақил бўлиши, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам холисона иш олиб бориши, адвокатлар ролининг кучайиши учун курашамиз. Чунки жамоатчилик назоратини ўрнатиш бевосита судьяларнинг мустақил фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Ижроия ҳокимиятининг ҳокимликларнинг халқ ноиблари олдида тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беришини, ҳукуматнинг эса Олий Мажлис олдида ҳисобот беришини йўлга қўйиш учун партиямиз мавжуд салоҳиятни амалда қўллайди.

2. ХУСУСИЙ МУЛК ДАҲЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МУЛККА ЭГАЛИК ТУЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Тадбиркорнинг, фермер ва деҳқоннинг ўзи етиштирган маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини бўлиши, маҳсулот таннархини ўзи белгилаши, адолатли бозорда эркин нархда сотишни кафолатловчи муҳит юзага келиши учун партия ҳаракат қилади. Биз улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, ўз маблағларидан эркин фойдаланишга тўсқинлик қилувчи чеклашларни йўқ қилиш учун курашувчи партиямиз.

Тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи ва текширувчи турли давлат идораларининг ноқонуний ҳар бир аралашувига чек қўйиш, уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларига қарши кескин чоралар кўриш, жиноий жавобгарлигини кучайтириш партиямизнинг қонунчилик ва амалий фаолияти орқали амалга оширилади.

Биз фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонларидан ўз манфаатларига асосан фойдаланиши, маҳсулот турларини экишни ва етиштиришни эркин танлаш, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда техника, ўғит ва бошқа воситалардан мустақил фойдаланишга яқиндан ёрдам беришни мақсад қиламиз.

Партиямиз хўжалик юритувчиларнинг кредит олишлари, уларнинг банкдаги маблағларига тўлиқ эгалик қилиши, банк ва мижоз муносабатини тубдан ўзгартиришга албатта эришиш керак деб билади.

Биз тадбиркорларнинг ўз маблағларини яширмасдан хўжалик юритиши, умуман яширин фаолиятнинг юзага келмаслиги учун соддалаштирилган солиқ сиёсатини олиб бориш тарафдоримиз.

Биз валюта бозорларида барча фуқароларга, хўжалик субъектларига ўз фаолиятини юритишда тенг имкониятлар яратиб бериш учун кураш олиб борувчи партиямиз.

Иқтисодий муносабатларда манаполияларни тугатиш ва шу каби йирик тузилмаларнинг хўжалик фаолиятига доир ваколатларини чеклашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш учун партия фаол сиёсий кураш олиб боради. Биз ҳар бир хўжалик субъекти ториждан инвестицияларни олиб келиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни сотишни қўллаб-қувватловчи қонунларни яратишни маълум қиламиз.

Валюта маблағларининг мамлакат ташқарисига чиқиб кетишини кескин қисқартириш мақсадида кичик ва ўрта корхоналарнинг импорт ўрнини босувчи, жоиз бўлса, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиши учун шарт-шароитларни юзага келтириш керак, деб биламиз.

3. ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН КУРАШИШ

Биз ишсизликка қарши курашишда қишлоқ ва маҳаллаларда, яъни яшаш жойларининг ўзларида кадрларни қайта иқтисослаштириш, меҳнат бозорларини юзага келтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқамиз ва улар маҳаллий бюджет томонидан молиявий таъминланиши учун ҳаракат қиламиз.

Биз халқимиз турмуш тарзини моддий жиҳатдан яхшилашда асосий эътиборни қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар даромадларининг харид қувватини оширишга қаратамиз.

Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қисмига маблағлар ва молиявий ёрдамларни рационал тарзда ажратиш мақсадида унинг тартиби аниқ, муайян мезонлар асосида бўлиши ва тақсимланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини мамлакат ичарисида олиб қолиш, ундан миллий тараққиётимизда оқилона ва унумли фойдаланишга шарт-шароитларни яратиб бериш сиёсатини йўлга қўйишни биз ўзимизнинг муҳим вазифаларимиз қаторида кўрамиз. Партиямиз ёшлар билан оқилона ишлаш сиёсатини йўлга қўйиш учун давлат томонидан таъминланадиган мукаммал дастур ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади. Биз аёлларнинг дунёвий турмуш тарзини кечириш, уларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, тадбиркорлик, айниқса унинг кичик хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланишга қаратилган қонунларни яратишни мақсад қиламиз.

4. ЭРКИН ФИКРЛОВЧИ, КОМИЛ ВА ФИДОЙИ ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Фидокорлар партияси ҳақиқатга таянади ва унинг фаолияти айнан қонуний ҳимояланган ҳақиқатга асосланади. Биз ҳақиқатни айтиш орқали турмуш тарзимизда эркин фикрлаш жараёнини юзага келтирамиз. Комил инсон маънавиятини шакллантирамиз ва фидойилик ғоясини тарғиб қиламиз. Чунки бу миллий юксалишимиз негизидир.

Бошқалар қобилияти, меҳнати ҳисобига дабдабали турмуш тарзини кечиришга одатланган маънавий қашшоқ инсонларни биз кескин қоралаймиз. Аҳолининг бундай шахсларнинг ишларига икки андозали муносабатда бўлиш каби қолипга тушиб қолган, миллий қадриятларимизга путур етказувчи иллатларни мавжуд ижтимоий психологиядан бутунлай йўқ қилиш тарафдоримиз.

Партиямиз миллий тикланишимиз, маънавий юксалишимиз учун миллатимиз ва эътиқодидан қатъий назар мамлакатимиз ҳар бир фуқаросида «ўзбекистонлик» туйғусини шакллантириш керак, деб билади ва бу йўлда пухта сиёсат олиб бориш тарафдори.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси вилоят Кенгаши.

ЮРТ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Азиз Ватанимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бироқ, юрт келажагини яратиш борасида катта ва мураккаб муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида диққат-эътиборни биринчи навбатда қуйидаги муаммоларга қаратамиз.

ИЖТИМОИЙ — СИЁСИЙ СОҲАДА

— Инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш ишида фаол иштирок этиш;

— ҳукумат аъзоларининг фаолиятини Олий Мажлис томонидан мунтазам назорат қилишини, ҳокимлар ва депутатларни халқ ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериб туришларини таъминлаш ишига кўмаклашиш;

— фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини оширишга қаратилган қонунни тайёрлаш ва қабул қилишда фаол иштирок этиш;

— болалар боғчалари, мактабларни қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларга ҳомийлик қилиш орқали Кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш ишига кўмаклашиш. Кадрлар танловида маҳаллийчилик, қариндош-оғайнигарчилик, ҳатто очиқ тусдаги таъмагирчилик кўринишларини бартараф қилиш;

— партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги хайрли ишларига кўмаклашиш ва фаол иштирок этиш;

— демократик тамойилларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланишини таъминлаш, тўрачилик ва бюрократизмга барҳам бериш ишида фаол иштирок этиш;

— Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш. Бунда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маданий савиясини кўтаришга алоҳида эътибор бериш;

— ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш, уларнинг ўқишлари, иш билан таъминланиши, спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш ишига алоҳида эътибор билан қараш.

ИҚТИСОДИЙ-МАЪНАВИЙ СОҲАДА

— Бозор иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорларни рағбатлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, хусусий мулкни ривожлантириш соҳаларида фаол иштирок этиш;

— одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, малакасини ошириш, ўртача ойлик маошини 12-15 минг сўмгача ошириш. Шу билан бир қаторда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали пулнинг қадрсизланишини тўхтатишга кўмаклашиш;

— ободонлаштириш, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш, етим болалар, ёлғиз қариялар, нафақахўрлар ва ногиронларга моддий ва ижтимоий жиҳатдан мадад бериш.

Хайрия ишларига қилинган харажатлар 1998 йил 4,41 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда бу харажатни икки-уч баробар кўпайтириш;

— фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган барча қонун ва қарорларни ҳаётда тўла рўёбга чиқариш, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баробар кўпайтириш, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказиш ҳақидаги Президентимиз қўйган вазифани бажариш ишига ҳисса қўшиш;

— иқтисодиётда ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш;

— миллий истиқлол ғояларини шакллантириш, тарихий ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш, миллатпарварлик ва фидойиликни, инсонийлик, саховат, меҳру оқибат ҳиссиётларини тарбиялаш;

— виждон эркинлиги, ҳурфикрлик, замонавий янги ғояларга очиқлик талаблари билан диний қадриятларни уйғунлаштириш;

— жамиятдаги барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни таъминлаш.

Дастурда белгиланган муаммоларни амалга оширишда вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимиятлари, маҳалла қўмиталари ва оқсоқолларининг ёрдамига, уларнинг ҳамкорлигига таянамиз.

«Ватан тараққиёти» партияси вилоят Кенгаши.

ЮҚОРИ САВИЯДА

ОҚҚЎРҒОН туманидаги халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи 34-«Олимкент» сайлов округида ушбу муҳим сиёсий тадбирни ҳар томонлама намунали ўтказиш учун барча зарур чоралар кўриб қўйилди. Бу йилги сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 20 минг 866 нафар фуқаронинг рўйхати қонунларда белгиланган муддатда тахт қилиб, округ ҳудудидаги 10та сайлов участкасида ўрнатилган маълумотлар тахтасига осиб қўйилган.

Шу округга қарашли 2-сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик, тарғиботташвиқот, номзодлар билан сайловолди учрашувларини ўтказиш ҳамда бу йил биринчи бор овоз берувчи ёш сайловчилар билан ишлашга оид барча ташкилий ишлар, айниқса, юқори савияда олиб борилди. Бу борада комиссия аъзоларидан Фотима Матқосимова, Раимқул Ғаниев, Шаҳноза Ҳамидова ўзларининг сайловга оид чуқур ҳуқуқий билимга эга эканликларини намоён этдилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТДА: 2-сайлов участкаси комиссияси раиси Ислом Мамашукуров (чапдан ўнгга), аъзо Шаҳноза Ҳамидова ва 34-«Олимкент» округ сайлов комиссияси раиси муовини Ўктам Эрматов, туман ҳокимининг биринчи муовини Тўйчи Бегимқулов навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОЛМАЛИҚ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ОЛМАЛИҚДА Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Шу кунларда у долзарб паллага кирди.

Ҳамма жойда номзодлар билан учрашувлар уюштирилмоқда. Бу муҳим ишга сайлов округлари ва сайлов участкалари комиссиялари аъзолари бош бўлишяпти. Уларнинг куч-ғайрати ҳамда жамоат ташкилотларининг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли бундай мулоқотларнинг кўпчилиги сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтмоқда. Сайловчилар билан учрашувда барча номзодларга бир хил шароит яратиб берилмоқда.

Олмаликлик сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар бу гал республика Олий Мажлисига бир нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига уч нафар, халқ депутатлари шаҳар кенгашига 30 нафар депутат сайлашлари керак. Номзодлар сони эса анча кўп. Ҳар бир сайлов округидан депутатликка рўйхатга камида уч нафар, кўпчилигида тўрт, беш ва ҳатто олти нафардан ҳам номзодлар қўйилган. Уларнинг бирини танлаб, депутатликка сайлаш осон эмас. Энг муносибларини, кўрсатилган катта ишончни амалда оқлашга қодир, элим деб, юртим деб куйиб-пишадиган, унинг келажаги порлоқ бўлишини таъминлашга бутун борлиғини сарфлашга тайёр бўлган ҳамюрт учун овоз бериш лозим.

Шунинг учун ҳам, сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтмоқда. Улар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги кейинги йилларда анча ошганлигини кўрсатмоқда. Сайловчилар ҳар бир депутатликка номзоднинг сайловолди дастурини тинглаб, зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар, ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён этмоқдалар, қимматли таклифлар киритмоқдалар. Илгаригидек бефарқлик, лоқайдлик кўзга ташланмаяпти. Бу мустақилликка эришган мамлакатимизда демократия тамойиллари тобора кучайиб бораётганлиги натижасидир.

Шаҳарда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари кун сайин кучайиб бормоқда. Бундай ишлар асосан ишлаб чиқариш жамоаларида, маҳаллаларда изчил олиб бориляпти. Айниқса, сайлов қутиси олдига биринчи марта келадиган ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга бу галги сайловлар мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа эканлиги, она юртимизнинг истиқболдаги тараққиёти кўп жиҳатдан унга боғлиқлиги уқтирилмоқда. Ёшлар ҳам бундай демократик сайловларда фаол иштирок этажакларини, сайловолди дастури маъқул бўлган депутатликка номзодлар учун овоз беражакларини айтмоқдалар.

Кўпчилик сайлов участкалари доим гавжум бўлмоқда. Улардаги ахборот тахтачаларига депутатликка номзодлар ҳақидаги варақалар, сайловлар ҳақидаги плакатлар, сайловчиларни якдил бўлиб овоз беришга, ўзларининг конституцион ҳуқуқларини бажо келтиришга даъват этувчи шиорлар осилган. Сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиб, қулай жойларга илиб қўйилган. Истаганлар сайлов участкаларида қўйилган сайловлар ҳақидаги қонунлар ва шунга оид бошқа адабиётлар билан танишишлари мумкин. Сайлов участкаси комиссияси аъзолари уларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқдалар.

Шаҳарда 41та маҳалла бор. Бу аҳоли манзилгоҳлари сайловолди тарғибот ишларининг марказига айланиб қолди. Сайлов участкалари ва округлари комиссиялари аъзолари, ташвиқотчилар бу жойларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳузурига бориб, сайловлар билан боғлиқ бўлган турли масалаларда давра суҳбатлари, саволжавоб кечалари уюштирмоқдалар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Сўраган эдингиз

САЙЛОВ ВАРАҚАСИ НИМА?

Бу йил биринчи марта сайловчи сифатида овоз бераман. Шу сабабли, матбуотнинг бу мавзудаги чиқишларини диққат билан ўқирканман, «сайлов варақаси» деган сўзларни учратяпман. У нима?

Вазира ИНОҒОМОВА,
Тошкент шаҳри.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ участка сайлов комиссияси сайлов кунида ўз турар жойида бўла олмайдиган ва овоз беришда қатнашиш имконига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаларини қабул қилиб олади. Сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаси талаб қилиб олиши, депутатликка номзод тўғрисида қарорга келиши ва тўлғазилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Сайловчилар варақасига депутатликка номзод этиб рўйхатга олинганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Участка сайлов комиссияси сайлов варақаси бланкаларини ҳисобга олиб боради. Уларнинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланиши учун масъулият комиссия аъзоларидан бирига юклатилади. Участка сайлов комиссиясига сайлов варақалари сайловдан 15 кун олдин, сайловчилар рўйхати илиб қўйилганидан кейин берилади.

Сайлов варақалари солинган конвертлар овоз бериш тугалланганидан кейин сайлов қутиларини очишдан аввал участка сайлов комиссияларининг аъзолари иштирокида қутиларга ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини расмий эълон қилганидан кейин комиссия аъзолари томонидан очилади, шундан сўнг участка комиссияси овозларни санашга киришади.

ШИФОКОРЛАР МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

САҲОВАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

ҲАР САФАР Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак», деган сўзларини эслаганда беихтиёр кўз олдимиздан саховатпеша инсон Муҳаббат Шоюсупова ўтади. Чунки, Муҳаббат доимо муҳтож инсонларнинг оғирини енгил қиладиган, ўксик дилларга дармон бўладиган, қўли очиқ, саховатли аёл эканлигини кўп марта эшитганмиз.

Айниқса, унинг турли-туман байрам ва ҳайрия кечаларида туманимиздаги етим болаларга, кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан совғасаломлар улашганлигининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз.

Якинда, тўғрироғи, шу йил бу инсоннинг амалий ёрдамидан биз шифокорлар ҳам баҳраманд бўлдик. Шифохонамизга иш билан қадам ранжида қилган Муҳаббатхон қайта жонлантириш бўлимимизнинг аҳволини кўриб, «Ия, таъмирталаб бўлиб қолибди-ку, мен бу ерни таъмирлашга ҳомийлик қиламан», деб ваъда берди.

Иши билан сўзи бир эканлиги Муҳаббатхонга одат бўлиб қолган экан. Тез орада у бўлимимизни таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 150 минг сўм пул ажратди. Бу маблағ бўлимни таъмирлаб олишга яради.

Бозор шароити қийинчиликларига қарамай, биз шифокорларга ҳомийлик қилган бу танти аёлдан нафақат шифохона маъмурияти, балки, бизда даволаниб чиққан беморлар ҳам миннатдор бўлишмоқда.

Саховат инсоннинг зийнати, деб бежиз айтишмайди. Дунёда Муҳаббат Шоюсуповага ўхшаган эл-юртга қайишадиган, савобни ҳар нарсадан устун қўядиган иймонли, диёнатли, эътиқодли инсонлар бор экан, одамлар орасида ҳамиша меҳр-муҳаббат кучайиб бораверади.

Бахтиёр ДЕҲҚОНОВ,
Чиноз тумани марказий шифохонасининг қайта жонлантириш бўлими мудири.
Клара САЙДОВА,
катта ҳамшира ва бошқалар.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЯПОНИЯГА ТАШРИФ

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳайъати 25 ноябрда Японияга ташриф буюрди.

Японияга ташрифнинг биринчи куни Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, Молия вазири Р. Азимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломовлардан иборат Ўзбекистон ҳайъати шу мамлакат ҳукумати, вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Ҳукуматда бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов Япония Бош вазири К. Обучига мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг шахсий мактубини топширди. К. Обучи мамлакат раҳбарининг мактубига самимий миннатдорлик билдириб, И. А. Каримовнинг мустақил Ўзбекистон равнақи йўлидаги катта меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Бош вазир Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида Япониянинг муҳим ҳамкори эканини эътироф этиб, кунчиқар мамлакатнинг юртимиз билан турли йўналишларда ҳамкорлик алоқалари тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этди. Бош вазирнинг фикрича, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик катта истиқболларга эга. Япония Бош вазири Президент И. А. Каримов ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Япониянинг халқаро ташаббусларини, хусусан, Япониянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига номзод этиб кўрсатгани учун ташаккур изҳор этди.

Япония Ташқи ишлар вазири Й. Коно билан учрашув давомида Япониянинг Франциядаги элчиси Мацуури номзодининг ЮНЕСКО Бош директори лавозимига сайланишида Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланганни учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ҳайъати, шунингдек, Япониянинг Халқаро савдо ва саноат вазири Т. Фукая, Япония парламентининг вакиллик палатаси аъзоси, либерал демократик партияси бюроси бош директори М. Сузуки, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти К. Фуджита, Япония Ташқи савдо ташкилоти (Джетро) президенти Й. Саэкилар билан учрашди. Барча учрашувлар самимий ва ишчанлик руҳида ўтди.

Ташрифнинг биринчи куни ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Япония Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича қўшма ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш ва Самарқанд, Бухоро, Ургенч аэропортларини таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиявий таъминлаш тўғрисида ноталар алмашилди, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига Япония авиаташиш бозорида қатнашиш ҳуқуқини берувчи Бош агентлик битимига имзо қўйилди.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА, Токио.

Воқеалар тўлқинида

● АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Оврупага қилган ўн кунлик сафари ниҳоясига етди.

● ФРАНЦИЯДА Болқон муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлди. Унда ушбу минтақа муаммолари билан шуғулланаётган мутахассислар ва Оврупа Иттифоқи мамлакатлари вакиллари қатнашдилар.

● РОССИЯ президенти сайлови давлат раҳбари сайлови тўғрисидаги қонунга биноан 2000 йил 4 июнда бўлиб ўтади. РФ президенти Б. Ельцин Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков билан учрашув олдидан шу фикрни эълон қилди.

● ИРОҚ вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари Тариқ Азиз 30 ноябрь куни тўрт кунлик амалий ташриф билан Москвага боради.

● ЖАҲОН банки билан Уганда ҳукумати ўртасида ушбу мамлакатга 91 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз бериш тўғрисидаги битим имзоланди.

● ДУНЁНИНГ энг бадавлат кишиси Билл Гейтс БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ривожланаётган мамлакатларда тиббий хизматни такомиллаштириш учун 26 миллион АҚШ доллари ажратди.

● БМТ томонидан иқтисодий жазо чоралари жорий қилинганига қарамай, «Толибон» ҳаракати халқаро террорчи Усама бин Ладенни одил судга топширмоқчи эмас. Японияниг «Иомури» газетасига интервью берар экан толиблар раҳбари Мулла Муҳаммад Умар шундай деди.

ТЎНТАРИШДАН КЕЙИНГИ БИРИНЧИ БАЁНОТ

ПОКИСТОНДА ҳарбий тўнтариш амалга оширилганлигига анча-мунча бўлиб қолди. Бу ҳатти-ҳаракатни кўпчилик давлатлар қатори Ҳиндистон ҳам қоралаган эди. Лекин, яқинда Ҳиндистон бош вазири Атал Биҳари Важпаи ўз мамлакати Покистон билан ўзаро можароларни бартараф этишда музокара ўтказишга қарши эмаслигини таъкидлади. Бу Покистондаги ҳарбий тўнтаришдан кейинги Ҳиндистон ҳукумати томонидан ушбу мамлакат бўйича берилган биринчи расмий баёнот бўлди. Бош вазирнинг айтишича, Ҳиндистон музокараларда қўшимча шартлар қўйилишига қаршидир. Икки томонлама мулоқот чоғида ўзаро келишмовчиликларни бартараф этиш масаласига кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қилиш керак. Шундагина музокаралар ижобий натижалар бериши мумкин, деди бош вазир.

«ЭЙЧ» УЧМАЁТИР ҲЕЧ

ЯПОНИЯ коинотни ўзлаштиришда етакчи мамлакатлар билан рақобат қилишни давом эттирмоқда. Бу борада ушбу мамлакатнинг «Эйч-2» ракетасини яратганлиги эътиборга сазовордир. Бироқ бу русумдаги ракеталарни учириш ҳамон муваффақият келтирмаётир. Навбатдаги саккизинчи марта уриниш ҳам муваффақиятсиз чиқди. Япониянинг Танегасима оролидаги фазовий тадқиқотлар марказидан учирилган иншоот тўрт дақиқадан сўнг портлатиб юборилди. Бунга бош двигателнинг ишдан чиққанлиги сабаб бўлди. Шу тариқа бир зумда 300 миллион доллар осмонга совурилди. Бундай омадсизликдан халқнинг норози бўлаётганлигини пайқаган бош вазир Кейдзо Обучи телевидение орқали халқдан узр сўради. Лекин, у коинотни тадқиқ қилиш ишлари давом этади, деди.

ЧИЛЛАКИ ЧИЛЛАКИНИ КЎРИБ...

ШАРҚИЙ ТИМОР Индонезиядан ажралиб чиққанидан сўнг мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам айирмачилик кайфиятлари кескин кучайиб кетди. Улар орасида энг муросасиз ҳисобланган Суматра оролидаги Ачех вилоятининг тақдири бўйича референдум ўтказилиши мумкин, деган овозалар пайдо бўлди. Бундай хабарлар Суматра оролидаги бошқа вилоят — Риауда ҳам кучли акс садо берди. Антара ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, вилоят маҳаллий маъмурлари, оқсоқоллар ва диндор уламолар 5-6 декабрь куни йиғилиш ўтказиб, референдум масаласини узил-кесил ҳал қилмоқчи. Риаудан ташқари Ириан-Жая, Шарқий Калимантан вилоятларида ҳам айирмачилик кайфияти авж олмоқда. Улар ҳам анчадан буён Индонезия ҳукуматини минтақадаги табиий бойликларни ташиб чиқиб кетаётганликда айблаб келмоқдалар.

БУ дунёнинг ИШЛАРИ

● БРАЗИЛИЯНИНГ Сан-Паулу аэропортида Жоржи Салаби исмли руҳоний ўн бир килограммлик кокаин гиёҳванди билан қўлга тушди. У мазкур «ажал уруғи»ни Амстердамга олиб бориш ва эвазига 30 минг АҚШ доллари олишни режалаштирган экан. Сўроқларда руҳоний отахон бундан аввал ҳам тўрт марта шу иш билан шуғулланганлигини тан олди.

● ШУ МАҲАЛГАЧА ер куррасида энг кўп яшаган одам ким, деган савол муаллақ бўлиб қолаётган эди. Геронтолог олимлар аниқлик киритдилар. 1995 йилда вафот этган хитойлик Гон Лайфа жаҳонда энг кўп умр кўрган киши экан. У 147 йил яшаган. Г. Лайфа кундалик турмушда оддий таомларга қаноат қилган, чекмаган, бироқ, ҳар куни гуруч арағидан жиндайжиндай истеъмол қилиб турган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕкўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 29

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Лирик тароналар.
9.15 «Ўзлик».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши:«Ўзбекистон табиати».
10.05 «Фикрлар бўлган экан». Мультфильм.
10.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.35 Кундузги сеанс: «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 Болалар учун «Севимли даргоҳ».
13.15 «Телевидение ва томошабин».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Мукофот муборак!».
15.10 «Қувноқ стартлар».Телемусобақа.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Фирибгарнинг фириблари ёки бир жойда югуриш».Бадиий фильм.
17.25 «Маҳорат».
17.50 «Инжиқ Мурод».Мультфильм.
18.10 «Болаларга бахшида умр».
18.25 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот».(рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Муҳаббат соғинчи».
22.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.102-қисм.
22.50 «Маънавият» дастури.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Икки соҳил — икки тақдир».
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.35 «Дунёга йўл»
18.55 Мусиқий лаҳзалар
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Олтин мерос».
19.40 «Жараён» ҳуқуқий жамият сари
19.55 «Ёшлар» телеканалида
20.00 «Маслак ва мақсад». «Ватан тараққиёти» партияси.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 Миллионлар ўйини
21.20 Мен овоз бераман
21.25 «Қишлоқдаги тенгдошим»
21.45 «ТВ-саёҳат». Кўҳна Кармана
21.55 Мусиқий лаҳзалар
22.00 «Давр» . Ахборот дастури
22.35 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.50 «Тонг юлдузи».

ЎзТВ III
18.00 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда — «Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.25 , 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот»
21.05 «Эстрада концерти».
21.45 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.45 «Индаба». Телесериал. 13-серия.
23.10 «Спорт-тайм».
23.30 «Бумеранг».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ. «Ҳаёт ташвишлари».
01.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
01.50 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси 7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
Р Д Т
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси.(Австрия-Германия).

ЎзТВ-IV
18.50 «Вақт хазинасидан».
19.05 «Ўғрини ушла».Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?».
19.35 «Соккер-клуб».
Россия жамоат телевидениеси
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.1-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Дил изҳори».
22.00 «Махфий хужжатлар».(X-files)
23.45 «ТВ-4да Немис тўлқини».
24:00 «Вести».
00.30 «Сиз кутган учрашув».
00.45 «Ахборот « (рус тилида)
01.10 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА, 30

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари».Туркманистон.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 102-қисм
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс.
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 «Оламга саёҳат».
12.45 Ватан тимсоллари.
12.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.10 «Мукофот муборак!».
14.50 «Маънавият» дастури.
15.40 «Бир қадам...».
16.00 «Мен Сизни севардим».
17.30 «Хонадон».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Истеъдод».Мусиқий дастур.
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Фермер».Тележурнал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Марказий сайлов комиссиясида».
21.25 «Оталар чойхонаси».
22.30 «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари».
23.00 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Бухоро вилояти.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 102-қисм
18.55 Мен овоз бераман.
19.00 «Давр» . Ахборот дастури.
19.35 «Ватан манзаралари»
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 «Маслак ва мақсад». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 «Текин томоша»
21.15 «Ёшлар овози»
21.40 «Турфа олам»
21.55 Мусиқий лаҳзалар
22.00 «Давр». Ахборот дастури
22.35 «Мухаббат қаҳваси» Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
1. Футбол. Осиё Кубоги саралаш турнири якунлари. 2. Теннис
00.50 «Шарқ эстрадаси»
01.05 Янги тонг

ЎзТВ III
18.00 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт» .
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда - Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 8-қисм
20.15 Ёқимли куйлар.
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар худуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида». ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба» Телесериал. 19-серия.
23.10 «Биз келажакни сайлаймиз».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Канонир Доласнинг саргузаштлари». 1-серия.
01.20 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.35 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси 7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «Сайловлар ва биз». «Адолат» социал демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу» Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
Россия давлат телевидениеси.
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.

ЎзТВ-IV
18.50 «Дил изҳори».
РЖТ
19.00 «Сени излайман».
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.2-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

ЎзТВ-IV
21.50 «Ўғрини ушла».Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф:»Ўғирланган».
00.55 «Ахборот» (рус тилида).
01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Қалб наволари». Мусиқий дастур .
9.15 «Банифаси таътилда». Мультфильм.
9.40 «Инсон — ҳаёт гултожи».
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Кундузги сеанс: «Егорка».
11.30 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
12.05 «Марказий сайлов комиссиясида».
12.25 «Мураббий».Спорт дастури.
12.45 «Ибн шифо-улашар даво».
12.55 Ўзбек куйларидан концерт.
13.20 «Қиёфа».
13.45 Автопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати.
14.10 «Ёр ва диёр тароналари».
14.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Шаҳрисабз».
14.55 Болалар учун «Нурли келажак».
15.20 «Остонаси тиллодан».Адабий кўрсатув.
16.00 «Эдгар ва Кристина».Бадиий фильм.
17.25 «Ёшликми ёки бебошлик».
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 «Аср вабоси». Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунига бағишланади.
18.50 «Зилол».Мусиқий дастур.
19.10 «Солиқ ва назорат».
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар ва биз».Телекўприк.
21.45 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.15 «Тараққиёт йўли».
«Тунги ҳамроҳ»
22.35 «Умид»сафарда.
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 103-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Уч плюс икки».Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ўйна болажон, ўйна», Мультгомоша)
18.40 «Семург».Ўсмирлар учун кўнгил очар дастури
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Олтин мерос»
19.40 «Ракурс»
20.00 «Спорт-лотто»
20.10 «Лаззат»
20.35 «Далил ва шарҳ» Менинг номзодим.
20.50 Мусиқий лаҳзалар
20.55 «Ёшлар» телеканалида
21.00 «Эркин фикр»
21.30 Мусиқий лаҳзалар
21.35 «Спектаклдан сўнг»
21.55 «Каталог»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.50-01.10 «Хит-коллекция»

ЎзТВ III
18.00 Болалар учун «Совға».
18.20 «Мусоҳаба».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз»
19.05 «Кимга овоз берасиз?».
19.15 Эфирда — ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 9-қисм
20.15 «Осойишталик посбонлари».
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
21.45 «СПИДга қарши кураш куни».
22.10 «Маржон».
22.45 «Индаба». Телесериал. 20-серия.
23.10 «Олтин давр».
23.45 «Кўзгу». Тележурнал.
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ. «Канонир Доласнинг саргузаштлари».2-серия.
01.40 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.55 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
15.05-16.05 Туркия телевидениеси
*
16:10 «Сайловлар ва биз».»Фидокорлар» миллий демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
Р Д Т
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.

ЎзТВ-IV
18.50 «Дил изҳори».
РЖТ
19.00 «Инсон ва қонун».
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.3-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Сизнинг адвокатингиз».
23.15 Кинематограф:»Бетмен».
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.35 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Куйла,танбур дуторим».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».Телесериал 103-қисм.
10.05 «Япон тили» .
10.25 Кундузги сеанс: «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
11.40 «Турон қизлари». Спорт дастури.
12.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
12.45 «Мактублар — кабутарлар».
13.15 «Саккизоёқчалар».Мультфильм.
13.25 «Бу олам саҳнида».Мусиқий дастур.
14.10 «Кулгу-терапия».
14.50 «Фан- тараққиёт негизи».
15.10 «Озод юрт одамлари».
15.30 Болалар учун «Қўғирчоқлар жонланганда».
16.00 «Табор кўкка йўл олади».
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
18.10 «Умид учқунлари».Тележурнал.
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур...».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!».Публицистик кўрсатув.
21.40 «Ўзбекистон -Ватаним маним!».
22.25 «Стандарт ва сифат».
«Умид» намойиш этади:
22.35: «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».
22.55 О.Эргаш. «Дала ўртасидаги дарахт».Видеофильм.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Сомон йўли».
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари» . Телесериал 103-қисм
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр».Ахборот дастури.
19.35 «Ёшлар» телеканалида
19.40 «Мезон»
19.55 «Олтин мерос»
20.00 «Маслак ва мақсад» «Адолат» социал-демократик партияси.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 «Бегойим»
21.30 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур
21.40 «Ёшлик формуласи»
21.55 Мен овоз бераман
22.00 Давр. Ахборот дастури
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал
23.20-01.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури:
1.Интерфутбол.2.Спорт қитъаси

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош» Мультгўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт» .
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм 10-қисм
20.20 «Ўзбекистонда қиш». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.45 «ТВ ва театр».
22.15 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индаба». Телесериал. 21-серия.
23.10 «Таманно».
23.25 «Суҳбатдош».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Тақдир инъоми»
00.55 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.10 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси 7.30-9.00
*
15:05-16:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16:10 «Сайловлар ва биз».Халқ демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
Р Д Т
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.

ЎзТВ-IV
18.50 «Дил изҳори».
19.00 «Ўғрини ушла».Телесериал.
19.25 «Дипкурьер».
Россия жамоат телевидениеси
19.45 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.4-қисм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?».
22.45 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф.»Башорат».
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 3

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
9.15 «Камолот сари».
9.40 «Теран томирлар».
10.05 Немис тили
10.25 «Айиқча ва аждаҳо».Мультфильм.
11.40 «Оналар мактаби».
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!». Публицистик кўрсатув.
12.40 «Меҳр қолур».
13.05 «Рақслар гулдастаси».
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Ҳорманг, уста».
14.50 Болалар учун «Қувноқлар даврасида».
15.10 «Ишқнома».Адабий кўрсатув.
15.40 «Шарқ тароналари».
16.00 «Товус малика». Бадиий фильм.
17.35 «Жавҳар».Публицистик кўрсатув.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Халқаро ногиронлар кунига: «Ўз ўрнинг бор».
18.25 «Ҳамкорлик ришталари».
18.40 «Бир жуфт қўшиқ».
18.50 «Тўртинчи ҳокимият».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.25 «Қалбимиз ардоғида». Халқаро ногиронлар кунига бағишланган концерт.
22.00 «Баркамол авлод орзуси».
22.20 «Ўзингни,ўз уйингни ўзинг асра».
22.40 ЎзТВ экранида биринчи марта:»Робин Гуд».Бадиий фильм.1-серия.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Робин Гуд».Бадиий фильм.2-серия
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Эркатой», Мультгомоша)
18.40 Мен овоз бераман
18.45 Мусиқий лаҳзалар
18.55 «Ёшлар» телеканалида
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси»
19.55 «Олтин мерос»
20.00 «Маслак ва мақсад». «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 «Азизим»
21.30 Мусиқий лаҳзалар
21.35 Мен овоз бераман
21.40 «Автосалтанат»
21.55 «Ёшлар» телеканалида
22.00 «Давр». Ахборот дастури
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари»
23.31 «Наволарда аён этсам» Мусиқий дастур
23.50 Синема: «Сен менинг қўшиғимсан»
01.15 «Мунаввар тонг истаб»

ЎзТВ III
9.00 «Ёрилтош». Мультгўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Самога йўл».
10.00 «Яна бир учрашув».
10.25 «Ёввойи табиат».
11.15 «Спорт оламида».
11.30 «Аёл қалби» Миллий рақс томошаси. (Аёллар йилига бағишланади).
12.25 Кинонигоҳ. «Ҳаёт ташвишлари».
13.50-14.05 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун «Қуралай».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт» .
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофилм 11-қисм
*
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳаси».
21.20 «Афросиёб». Телефильм.
21.45 «Биз келажакни сайлаймиз».
22.45 «Индаба» Телесериал. 22-серия.
23.05 «Мусиқий меҳмонхона».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар
23.30 Кинонигоҳ. «Ёр-Ёр»
00.40 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
00.55 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси 7.30-9.00
*
15:05-16:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16:10 «Сайловлар ва биз».Миллий тикланиш демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
Россия давлат телевидениеси
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.

ЎзТВ-IV
18.50 «Уорлднет» янгиликлари.
19.00 «Дурдаршан».
19.15 «Сайлов-99».
19.25 «СНН-шоу».
Россия жамоат телевидениеси
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Время.
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?».
22.50 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 4

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари»
9.35 «Зийнат».
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Турфа томошалар».
10.25 «Умид-шоу».
*
10.45 Кундузги сеанс.
12.05 «Сайловлар ва биз».
12.25 «Ўзбек спортининг нуфузи».
12.40 «Бўстон». Тележурнал.
13.10 «Оталар чойхонаси».
14.10 «Сайқал».
14.30 «Ёзувчи ва замон».
14.50 «Али бобо ва қирқ қароқчи».Мультфильм.
15.20 «Жаҳон ёшлари «Умид» билан.
16.00 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
17.40 «Тилга эътибор».
18.00 «Бешбармоқ».Тележурнал.
18.20 «Чемпион билан учрашув».
18.35 Эстрада тароналари.
19.00 «Иқтисод ва биз».
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайлов-99».Арафа.
21.25 «Бу гулшан соз...».
22.25 «Қишлоқ ҳаёти».
«Тунги ёғду».Дам олиш дастури
22.45 «Мусиқий саёҳат».
23.05 «Ахборот»
23.35 Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Билағон маслаҳати»,«Эркатой», Мультгомоша)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 102-қисм
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 Мусиқий лаҳзалар
10.55 «Ракурс»
11.15 «Қишлоқдаги тенгдошим»
11.35 «Рей Брэдбери театри». Телесериал
11.55 Мусиқий лаҳзалар
12.00 «Текин томоша»
12.10 «Кутилмаган меҳмон»
12.30 «Рамаяна». Телесериал
13.05 «Мезон»
13.20 Мен овоз бераман.
13.25 «Спектаклдан сўнг»
13.45 Мусиқа теграсида
14.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис
15.05 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал
15.50 Шу куннинг мавзуси
16.10 «Ёшлар» телеканалида
16.15 Синема: «Учувчининг парвози»
17.40 «Хит-коллекция»
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Бўш ўтирма», Мультгомоша)
18.35 Мен овоз бераман
18.40 «Ёр ишқи», Мусиқий дастур
18.55 «Ёшлар» телеканалида
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.35 Мусиқий лаҳзалар
19.40 «Бизнес-академия»
20.00 «Маслак ва мақсад». Халқ демократик партияси
20.35 «Рамаяна» Телесериал.
21.15 «Сир»
21.35 «Хайрат»
21.55 Каталог
22.00 «Давр».Ахборот дастури.
22.36 «Ёшлар» телеканалида
22.35 Кинотақдим
22.55 Мусиқий глобус
23.20-00.45 Синема.

ЎзТВ III
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Мио, болагинам Мио»
11.05 «Ёшлар ҳудуди». «Мен сайловчиман».
11.35 «Бева Бланка». Телесериал.
12.20 Т.Жалилов номидаги халқ чолғу оркестри ижро этади.
12.55 Кинонигоҳ. «Ёр-Ёр».
14.05 «Биз келажакни сайлаймиз».
14.50-15.35 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Чинсэн».
***
17.55 «Бугун Сиз билан «Шанба» дастури».
18.05 Болалар учун «Сеҳрли сандиқча».
18.25 «Таянч».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Даромадли дараклар».
19.15 Эфирда - Халқ Демократик Партияси.
19.45 «Куйла ёшлигим».
20.00 «Эфирда-Миллий тикланиш демократик партияси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Сиз соғинган наволар».
22.05 «Даллас».Телесериал .
22.55 «Олам».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Кинонигоҳ. «Тақдир эшиги»
01.05 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Дурдаршан».
9.55 «СНН-шоу».
10.10 «ТВ-4да Немис тўлқини».
10.25 «Биргаликда куйлаймиз».
11.10-12.45 Кинематограф: «Кичкинтойнинг саргузаштлари».Бадиий фильм.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 «Дил изҳори».
Россия жамоат телевидениеси
18.50 «Итальянларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Кинокомедия.
21.00 «Время».
*
22.00 «Эксклюзив».
22.20 «Б.С.Н.» Янгиликлари.
22.35 «Мюзик-холл».
22.55 Кинематограф.
00.25 «Ахборот»(рус тилида)
00.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА, 5

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайлови куни

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак».
9.00 «Бу Ватан қўшиқлари».
9.30 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Сайлов участкаларида».
11.20 «Бир олам қах-қаҳа».
12.20 «Билим-ринг».
13.00 ЎзТВ экранида биринчи марта.
14.00 «Сайлов участкаларида».
14.20 «Қочоқ».Бадиий фильм.2-серия.
15.20 «Бахтим — саодатим».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Кўзгу».Тележурнал.
16.30 «Эр-хотин қўш ҳўкиз».Томоша томоша.3-қисм.
17.10 «Бу гулшан соз...».
18.10 «Олтин тож».
18.30 «Сайлов участкаларида».
18.55 «Ўзлик».
19.30 Ахборот. (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 Ахборот.
21.15 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.00 «Сайлов участкаларида».
22.20 «Телевизион миниатюралар театри».
22.55 «Интерспорт».
23.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси»
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта: «Мен ёлғон гапирмадим...».
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Тақдиринг ўз қўлингда»
9.55 Мусиқий лаҳзалар
10.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 103 - қисм.
10.55 «Ёшлар» телеканалида
11.00 «Семурғ»
11.15 «Эколаш». Энг зўр ўнталик
11.30 «ТВ-саёҳат» Кўҳна Кармана
11.40 Мусиқий лаҳзалар
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг қироллари»
12.45 «Лаззат»
13.05 «Дунёга йўл».
13.25 «Рамаяна» Телесериал.
14.00 «Давр». Ахборот дастури.
14.10 «Бу мунис лаҳзалар»
14.30 «Талабалар шаҳарчаси»
14.50 Цирк, цирк, цирк
15.10 «О, ёшлигим»
15.30 Мусиқий лаҳзалар
15.40 «Ватан манзаралари»
16.00 «Ёшлик формуласи»
16.15 Компьютер-Азия
16.30 «Ёшлар» телеканалида
16.35 Синема: «Суюнчи»
17.45 «Наволарда аён этсам».
18.00 «Давр». Ахборот дастури.
18.15 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.50 «Ақл ёшдамас»
19.05 Спорт ҳафтаномаси
19.25 «Синфдош»
19.50 «Сурур» Мусиқий дастур
20.00 «Давр» хафта ичида
20.45 «Якшанбада кўришгунча»
21.05 «Кулгига нима етсин»
21.25 «Сиз севган хонандалар».
21.55 «Олам футболи»
22.20 «Маслаҳат»
23.05-00.35 «Ўтган кунлар» Бадиий фильм

ЎзТВ III
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош» Мультгўплам.
10.00 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.25 «Саломатлик чорраҳаси».
10.40 Болалар учун. «Уйинленд».
11.05 «Нуроний». Маросимлар ҳақида ўйлар.
11.30 «ТВ ва театр».
12.00 «Пойтахт».
12.15 Болажонлар экрани. «Кулол ва хумча».
13.30 «Сарафроз».
13.45 «Бева Бланка» Телесериал.
14.30 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
14.45 «Туризм ҳақида».
15.15-16.55 Такрорий фильмлар экрани. «Тақдир эшиги».
18.00 «Ойнаи жаҳонда».
18.10 «Ёрилтош». Мультгўплам.
18.40 «XXI аср авлодлари».
19.00 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.30 «Пойтахт».
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 12-қисм.
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ватанимни куйлайман» .
21.35 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
21.50 «Даллас».Телесериал.
22.40 «Етти иқлим оҳанглари».
22.55 «Яна кино ҳақида».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Кинонигоҳ. «
00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

ЎзТВ IV
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10:45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари»
11.20 «Фан-тайм».
11.30 «Буржлар башорати».
12.30-13.15 «Дўстлик» видеоканали.«Дидар», «Айчурек».
18.05 «Тенгдошлар».
18.30 «Океан ортига саёҳат. Япония».
18.40 «Сайлов-99».
18.50 «КВН-99».

ЎзТВ-IV
21.00 Дил изхори».
21.20 «Сайлов-99»,
21.30 «Интернет худуди».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.00 Якшанба кинозали.
23.50 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.20 Тунингиз осуда бўлсин!

«Сойлиқ» жамоа хўжалиги тугатилаётганлиги ва «Сойлиқ» қишлоқ ширкат хўжалигига айлантирилаётганлиги сабабли барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддатда инобатга олинади.

Собир Раҳимов туманидаги «Алин-РВ» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 125-07-67 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ҚИБРАЙ туманидаги «БУРАОТА» жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Қибрай тумани, Чинобод қишлоғи, Навоий кўчаси, 13-а уйда қабул қилинади.

● *Дилкаш суҳбатлар*

Тошкенти азимнинг Эски шаҳар бозори расталаридан айланиб ўтар эканман, хилма-хил тўнлардан кўзим қамашади. Маъмура Жўраева билан ҳам шу ерда танишиб қолдим.

БЕҚАСАМ ТЎН ЭГНИМИЗДА ЖИМИРЛАЙДИ

— Эгаси ким? — сўрадим ундан тўнларга ишора қилиб.

— Эгаси меҳнат, — деди кулча юзли, истараси иссиқ аёл жилмайиб.

— Нархини айтинг-чи?!.

— Ҳақиқий эгаси сўраса, текиндай гап, — яна жилмайди у.

Чиндан ҳам неча-неча кунларнинг, тунларнинг маҳсули бўлган тўнни кийган одам тўлаган пулига минг бор рози бўлмайдими!? Шунда себзорлик чопончи чевар Башорат аянинг сўзлари ёдимга тушди: «Тўн тикиш, уни бировга манзур қилишнинг ўзи бўлмайди, иним. Унинг учун одамнинг ўзи ҳам, қўли ҳам, дили ҳам гўзал бўлиши керак». Гўзал қўллар эса, оддий матодан санъат яратади. Аянинг ўзи тиккан чопонлар кийганларнинг устида яшнаб турарди. Эшигидан одам аримасди. Унинг қалб кўри, кўз нури қўшилган беқасам тўнлар не-не қуёвларнинг эгнида жилваланмаган! Ҳатто, никоҳ тўйларида «Башорат ая тиккан экан», деганларни кўп марта эшитганлар бор.

— Қайси бири ёқди? — туриб қолганимни кўриб сўради Маъмура.

— Тўнни-ку, олмайман, лекин сиз билан суҳбатлашсам дегандим.

Маъмурахон келган харидор билан муомаласини қилиб, рўпарамга келиб тўхтади.

— Маъмурахон, шу тўнларни ўзингиз тайёрлайсизми?

— Албатта. Бичаман, чокларини тикаман, пахта соламан, ёқасини машинада тикиб тайёрлайман. Фақат бошқа одам қавийди.

ЎТМИШДАН БИР ЛАВҲА. Зиёфат жуда дабдаба билан ўтмоқда эди. Дастурхонни тўлдирган анвойи таомларнинг аста-аста «ранги ўчиб» борарди. Долагун шароблар ичилгач, меҳмонларга иньом улашиш бошланди. Амир уч марта қарсак урди.

— Лаббай, олампаноҳ! — қўл қовуштирди хар доим ҳозиру нозир ҳудайчи.

— Меҳмонларга саруполар келтирилсин. Бекка зарбоф тўн, — буйруқ қилди амир.

— Бажо бўлгай, олампаноҳ, — ҳудайчи ер ўпиб, чекинди.

Бек амир марҳаматидан ғоят таъсирланиб турарди. Зарбоф тўннинг олтин сувига чайилган ипларига завқ билан тикилди. Бир неча сония шамлар ёруғида порлаган гулларидан кўз ололмай қолди. Бу ҳол амирнинг кўнглига айил ботди.

— Сарупомиз сизга номақбул кўринурму?— унинг овозида қаҳр аломатлари зоҳир эди.

— Улуғ амир, сиз магар бошимдан тупроқ сочсангиз тилло ўрнида қабул қилурмен, — бек таъзим қилди. — Зарбоф тўнни тиккан усталарнинг маҳоратига тан берганимдан лол қотмишмен. Маъзур кўргайлар.

— Устамиз бу соҳада беназирдур, — амир юмшади.

— Камтарин қулингизни афу этгайсиз. Меҳмонлик мақомимни истифода қилиб, сўрасам: устони кўрмоқ мумкинми?

— Тўн тикиш қийинми, Маъмурахон?

— Қайси ҳунар осон. Тўннинг энг мураккаб жойи унинг қавиғида. Қавиш ҳам меҳнат, ҳам санъат талаб қилади.

— Нега ўзингиз қавимайсиз?

— Жуда ҳам яхши қавийман. Лекин бир кишининг иши унмайди, билсангиз. Битта яхши чопон учун тўрт кун вақт кетади. Тўрт кунда мен ўн-ўн беш йигирмата чопон бичаман. Қанарса йўқ. Пахтаси бор, холос. Фақат машинада жуда майда қилиб тикилган. Шу сабабли қаттиқ, Ёнидаги эса жияк. Қимматбаҳо тўнларга Шерозий жияклар тикилади. Попуклари ҳам уланади.

— Жиякни ҳам ўзингиз тикасизми?

— Йўқ. Жияк тайёр бўлади. Жиякчилар бор, ўшалар тикишади.

ЛАВҲАНИНГ ДАВОМИ. — Устони чорланг, — буюрди амир. — Уста Салом қоровулбегини чақирингиз.

Кўзларига таърифсиз маъюслик чўккан, камтарин кийинган сарой устаси Абдусалом қоровулбеги кириб, таъзим бажо этди.

— Сизми! — хитоб қилди бек.

— Тасанно сизга! Ижозат этсангиз табаррук бармоқларингизни кўзимга тутиё айлардим...

Уста тортинди. Амир ғижинди...

Юқорида тасвирланган манзара Бухоро амири саройида бўлиб ўтган эса-да, ким ҳам камтарин устага бунчалар марҳамат кўрсатар эди! Лекин мен тўн тиккан усталарнинг сеҳрли қўлларини кўзга суртиб, тутиё қилсак минг бор арзийди, деб ўйлайман. Салом қоровулбеги амир устахонасида XIX асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида ишлаган.

— Маъмурахон, биров буюртма берса ўлчаб, келиштириб тикасиз. Лекин бошқа пайтларда кимдан оласиз ўлчамни?

— Ҳеч кимдан. Ўрта бир кишига мослаб тикаман. Битта тўнимиз, Худонинг қудрати билан, тўрт хил ўлчамга тўғри келаверади.

— Ўзи кимдан ўргангансиз бу ҳунарни?

— Шарифа опамлардан. Бунга ўн-ўн беш йилча бўлди. Опамга чок тикишда ёрдам бериб юрардим. Бир куни чопончи Раъно хола опам йўғида келиб қолдилар. «Қўлинг анча келиб қолипти, ўзинг ҳам тик энди», деб ишга солдилар. Шошу чопончи бўлиб танилдим. Шу касб орқасида бола-чақамизни улғайтирдик. Ҳунарли ҳеч хор бўлмас экан. Ойим Фотима Розикова ҳам жуда ҳурсандлар.

— Сиздан ўрганадиганлар ҳам борми?

— Албатта. Бўйи етган қизим Сафура жуда чаққон. Унинг тиккан жиякларини кўриб ҳайрон қоласиз. Музаффар укамнинг оиласи — келиним Бўриниса Розиқова ҳам биринчи шогирдларимдан. Маҳалладагилардан бирортаси ўргатинг деса — бажонудил, тайёрман.

— Мабодо буюртма бермоқчи бўлсак, қаердан топамиз?!

— Тошкент туманининг Кўктерак қишлоғида ўсиб-ўлғайганман. Ҳозир Тўлабий намоа хўжалигида яшаяпмиз. Бош устига, келинглар.

МЕНИНГ МАДҲИЯМ. Ўзбек тўни! У ҳақда инсоният ўтган олис асрларда ҳам хайрат ва фахр туйғулари жўш ўрган ҳолда қайд этган. Оддийгина матодан тикилган чопонга тикувчининг кўз нури, қўл сеҳри, хаёлоти нақшланган. Ўзбек тўни гуржиларнинг бўрки, тоғликнинг бешмати, қозоқларнинг почапўстини сингари азизу мукаррамдир.

Ўзбек тўни! Сени аёлларимиз қанчалар орзу-умид, яхши ниятларини омухта қилиб, ихлос билан тикишган. Куёвлар эгнида кулиб турсин, тўй-ҳашамларда одамларнинг қувончига шерик бўлсин деб тикишган. Айниқса, тўйболаларнинг бошидаги салласию эгнидаги зар тўнини кўриб, кўзлари ёнмаган ким бор! Шундоқ, етти ёшдан етмиш ёшгача бирдек ардоқли, ярашиқли тўнимиз!

Ўзбек тўни! Сен халқимнинг очиқ бағрига, қайноқ меҳрига ўхшайсан. Бағринг очиқлиги шундан. Келган меҳмонга бошинг омон бўлсин, деб дўппи кийгизамиз, белинг бақувват бўлсин деб қийиқ боғлаймиз, ҳамиша бағримиздасан деб елкасига тўн ёпамиз. Қуёшдан ҳарорат эмган пахтанинг иссиқлигини қайси тўн кийган меҳмон сезмабди! Агар сезмаган бўлса, ўша кимса тўн киймабди, бизга эл бўлмабди, дунёга келмабди ҳисоб!

Ўзбек тўни! Сен неча-неча йиллардан бери олам аҳлини камтарин улуғворлигинг, содда гўзаллигинг билан ўзингга ром этиб келасан. 1889 йилда Париж, 1891 йилда Москва, 1912-1913 йилларда Петербургда очилган халқаро кўргазмаларда юртимиз усталарининг қўли ила яралган мўъжиза сифатида Оврупони ҳайратга солгансан.

— Қўли гул, қалби гул чевар Маъмурахон! Газетхонларимизга энг яхши тилакларингизни айтсангиз.

— Тиккан тўнларимизни сизларнинг эгнингизда тўкилиб турганини кўрсам, ўз ишимдан кўнглим бир олам тўлганини туяман. Биз тикишдан, сизлар эса кўз-кўзлаб кийишдан асло чарчаманг.

Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.
Суратда: чевар Маъмура ЖЎРАЕВА.

Даврон АҲМАД олган сурат.

● *Турмуш чорраҳаларида*

ЖАҲДОЛАТ

Ҳикоят ўзининг нималар қилиб қўйганлигига ҳамон ақли етмасди. Қилмиши гуноҳларнинг энг оғири ва жиноятнинг энг разилона тури эканлигини у эндигина ич-ичидан ҳис қилаётганди. Онасининг жонсиз жасади ёнида ўтирар экан, унга етказган озорлари ҳақида ўйлар ва лекин ўйининг охирига ета олмасди...

Ҳикоят болалигидан отасиз эрка қиз бўлиб улғайди. Қизининг кўнглига қарайдиган Зарифа опа, у нима деса, нимани хоҳласа оғзидан чиқармасдан муҳайё қиларди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Ҳикоят пардоз-андозга ружу қўйди. У ҳеч ким киймаган кийимларни кийишни хоҳлар, бунга эришарди ҳам. Чунки, гапи онаси учун қонун эди: қизим ҳеч кимдан кам бўлмасин, ночорлик сезмасин дея, она эртаю кеч меҳнат қилар, уйдан эрта чиқиб, кеч қайтар ва шу зайлда топганини қизига сарфларди.

Кунлар кетидан ойлар, йиллар ўтаверди. Ҳикоят ҳам ҳамма дугоналари қатори ёшига ёш қўшилиб, суқсурдаккина қиз бўлиб қолди. Аммо, ўлгудек қайсар эди. Ҳатто ўз дугоналарини ҳам менсимас, уларни оёқ учида кўрсатарди. Буни она билсада дилини ранжитмай дея индамас эди. Ҳикоятнинг юриш-туришида ўзгариш пайдо бўла бошлади. Дугоналари билан эмас, балки аксинча, ўғил болалар билан иноқлашиб, кўча-кўйда улар билан кучоқлашиб юрадиган одат чиқарди. Бу ҳақда кўни-қўшнилар Зарифа опага гапирганларида ёхуд маҳалла-кўй орасида қизи ҳақида мана шундай гап-сўзлар бўлганда, Зарифа опа доим қизини оқлар, «Менинг қизим ундай қилиши мумкин эмас, ундай қилмайди ҳам», — деб кўпчиликка бас келарди.

Кунларнинг бирида қўшни қишлоқдан Ҳикоятга совчилар келишди. Тақдир экан, тўй бошланди. Яхши ниятлар билан «Ер-ёр» айтиб, Ҳикоятни ўзга хонадонга кузатишди. Лекин, тўй қунининг эртасига келинни бор-буди билан қайтариб олиб келиб, ташлаб кетишди. Онанинг юзи ерга қаради. Худди кўни-қўшни, маҳалла-кўй унинг устидан кулаётгандек туюларди. Аслида, ҳамма унга далда берар «Ҳали қизингиз бахтли бўлиб кетади», — деб овунтиришга ҳаракат қилишарди.

Зарифа опа бир куни ишдан барвақт қайтиб келса, кўча эшиги қулфлоқ. «Ҳар доимгидек у ер-бу ерга чиқиб кетгандир», — деган хаёл билан ўзидаги калит билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Кирдию, кўзларига ишонмади: қизи ва бегона эркак... Тоқати тоқ бўлган, сабр косаси тўлган она қизига ташланди. Она ҳа деганда дўппослашдан тўхтавермагач, қизи онасини итариб юборди. Энди Ҳикоят онасига ҳужумга ўтди. Аввалига роса дўппослади. Кейин қаердандир қўлига пичоқ тушиб қолиб, онасининг бир неча ерига тиқиб олди. Муштипар аёлнинг охирги нафасида айтган гапи шу бўлди: «Сенга едирибман, ичирибман, тарбияламабман. Балки отанг тирик бўлганда, бундай бўлмасмиди...»

Ҳикоят донг қотиб қолган эди. Фақатгина милиция ҳодимлари унинг қўлига кишан солаётганларидагина ўзига келди...

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

Кулганга нима етсин

АЖДОДЛАРНИ КЎРГАНДА

Журналист ва аскиячи Айниддин Зайниддинов моҳир аскиячи Фозилжон Султоновга деди:

— Дунё ажойиботларга шу даражада тўла экан-ки, сиз билан биз иш билан банд бўлиб юраверган эканмиз.

— Сизни нима шу даражада ҳаёжонга солди?

— Кеча телевизорда «Ҳайвонот оламида» кўрсатувини томоша қилиб бир олам таассурот олдим.

Буни сира ажабланадиган жойи йўқ.

— Нега?

— Ҳар ким ўз авлод-аждодларини кўрганда, шундай ҳолатга тушади.

БАШОРАТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ

Жарроҳ дўстига деди:

— Радиода бериладиган буржлар ҳақидаги «Бугун омадингиз қулиб боқади» деб айтилган башоратнинг тўғри эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

— Қандай қилиб?

— Ҳар куни битта беморни операция қилар эдим, бугун тўртта операция ўтказдим.

— Башоратнинг тўғрилиги сенинг ўз манфаатинг учун кўп операция қилишингда эмас, беморларнинг операциядан кейин сенинг қўлингдан ўлмай, соғ-омон чиққанида.

ЧАМА ЧАМА-ДА!

Икки гиёҳванд биттадан сигарет қоғозига жойлашган нашани обдон тортиб, маза-бемаза гапларга хохолаганча Сирдарё бўйидан чиқиб қолдилар. Улардан бири дарёга тикилганича шеригига мурожаат қилди:

— Эшматвой, айтингчи, бу дейман, Сирдарёнинг суви неча челак чиқаркин?

У ҳам дарёга узоқ тикилиб, деди:

— Биласан, тирик қўйни тоши 40 кг чиқади деганимда, бир килограмм ортиқ-кам чиқмаган. Дарёнинг суви ҳам 97-98 челак чиқаров.

Тошмат шеригининг жавобидан мамнун ҳолда жилмайди:

— Ҳа, чама-чама-да!

ХОТИН ГАПИРГАНДА ОЧИЛАДИ

Тиш шифокори қолип олиш учун креслода ўтирган даволанувчи мижознинг оғзига суюқ гипс солишдан аввал унга тайинлади:

— Оғзингизни юминг деганимдан кейин, тишларингизни маҳкам босиб, уч-тўрт минут жағингизни очмайсиз.

— Хотиржам бўлинг, дўхтир, уч-тўрт соат десангиз ҳам, миқ этмай ўтираман.

— Нега бунчалик узоқ вақтни бўйнингизга оляпсиз?

— Чунки, менинг жағим фақат хотиним гапирганда очилади.

ХУН СЎРАШ

Чойхонада чойхўрлик қилиб ўтирган икки қариядан бири гап бошлади:

— Шу дейман, Эшматвой, дунёнинг ишлари жуда қизиқ экан-да.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Қадимги вақтларда «хун тўлаш», «хун олиш» деган гаплар бўлар экан. Замон ўзгариши билан бундай ярамас одамлар йўқолиб кетганига хурсандман.

— «Хун олиш» ҳозир ҳам бор.

— Ваҳима қилма!

— Ишонмасанг, меҳмондорчиликданми, тўйданми кечаси қайтаётганингда йўловчи енгил машинани тўхтат. Манзилга етгач, «хизматингиз қандай бўлади» деб сўрасанг, ҳайдовчи сендан «онасининг хуни»ни сўрайди.

СУВ ҚУЙГАН ЭКАНСИЗ

Умр бўйи иғвогарлик билан шуғулланиб юрган Аширмат остона хатлаб кўчага чиқиши билан қўлида челак кўтарган кўшнисини учратиб, сўради:

— Нима қиляпсиз?

Кўчага янги экилган кўчатларни суғоряпман.

— Боракалло, бўтам! Дарахтларни тагига сув қуйиш савоб иш.

— Сиз ҳам савоб умидидамисиз?

— Бўлмасамчи!

— Шунинг учун қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг тагига сув қуйган экансиз-да.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ТАҚДИМОТ-ҲИСОБОТ

КУНИ кеча Республика Миллий матбуот марказида «Маънавият» нашриётининг яна икки маҳсули — «Комиллик калити» (маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча луғат) ҳамда адабиётшунос олим Низомиддин Маҳмудовнинг «Маърифат манзиллари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Бу нашриётнинг ўзига хос ҳисоботи бўлди. Нашриёт ўз фаолиятини бошлагандан буён ҳозиргача салкам юзга яқин номда китоб, плакат ва қўлланмалар чоп этди. Уларнинг умумий сони эса бир миллион нусхага яқинлашиб қолди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Б. Қосимов, филология фанлари доктори Э. Бегматов ва бошқалар жамоатчилик кўригига қўйилган асарларнинг илмий-маърифий аҳамияти ҳақида гапирди. Нашриёт жамоасига хайрли ишларида муваффақиятлар тилади.

(ЎзА).

XII Осиё чемпионати саралаш турнири

УЧ ЎЙИН, УЧ ҒАЛАБА

БИРЛАШГАН Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳридаги Фаҳнон Ибн Муҳаммад номли ўйингоҳида XII Осиё чемпионати саралаш учрашувлари давом этмоқда. Мамлакатимиз миллий терма жамоаси ўзининг учинчи учрашувини Ҳиндистон миллий терма жамоаси билан ўтказди.

УЧРАШУВ мухлислар кутганидек, олдинги ўйинларга нисбатан мураккаб кечди. Футболчиларимиз фақат йигирма бешинчи дақиқадагина ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Шухрат Раҳмонқуловнинг зарбаси аниқ бўлди.

Шундан сўнг ҳиндистонлик футболчилар ҳужумга зўр бердилар ва кетма-кет иккита тур киритиб, ҳисобда олдинга ўтиб олдилар. Бироқ 75-дақиқада Фёдоров ҳисобни тенглаштирди.

Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида футболчиларимиз ҳужумни кучайтирдилар ва Николай Ширшов ўзининг саралаш турниридаги тўртинчи тўпини киритиб, терма жамоамиз ғалабасини таъминлади.

Ҳиндистон жамоаси билан учрашув оғир кечганлигининг сабаби етакчи ўйинчилардан Миржалол Қосимов ва Максим Шацкиҳларнинг майдонга тушмаганлигидадир. Миржалол Қосимов саломатлигини мустаҳкамлаб олиш учун майдонга тушмаган бўлса, Максим Шацких Киевнинг «Динамо» жамоаси сафида чемпионлар лигаси мусобақаларида Мадриднинг «Реал» жамоаси билан учрашувда қатнашди.

Саралаш турнирининг ҳал қилувчи учрашувида футболчиларимиз майдон эгалари — Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан кўтаринки руҳда тўп суриб, ғалабага эришадилар ва ягона йўлланмани қўлга киритадилар, деб умид қиламиз. Ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси уч учрашувда 3 ғалаба қозониб, 6 очко билан жадвалда карвонбошилик қилмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари икки ўйиндан 6 очко тўпланганлар.

Талъат ЮСУПОВ.

Бу қизиқ

ЭРМАКМИ, ЭРТАКМИ?!

● ОДАМЛАР нималарни тўплашмайди, дейсиз? Тугмалар, маркалар, шишалар, ғиштлар, автомобиллар тўпловчи ишқибозлар ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Лекин, улар орасида антиқалари ҳам бор. Чунончи, Нью-Йоркда истиқомат қилувчи бир эркак киши люкларнинг чўян қопқоқларини тўплайди. Сиднейлик Барри Уэстон эса, Австралиядаги шишалар тиқинини оладиган мослама йиғувчилар халқаро ташкилотининг аъзосидир. У бундай мосламанинг беш мингтасини тўплаган, бунинг устига 200та шиша очгичлари ҳам бор.

Франциялик нафақадор Бернар Шалопе ярим асрдан ортиқ даврдан бери турли транспорт чипталарини йиғади. Уларнинг сони 50 мингтадан ҳам ошиқроқдир.

Италиялик шифокор К. Набулони қум намуналарини тўплайди. У Италиядаги, шунингдек, хориж мамлакатларидаги машҳур соҳиллар қумини йиғиш билан шуғулланади. Даниялик Хансен уй паррандаларини боқиш ва кўпайтириш ишқибози. Унинг ўғли беш ёшидан бошлаб паррандалар патларини йиғиш ва уларни рангига қараб таснифлашга меҳр қўйди. Эндиликда кичик Хансен қушлар пати бўйича энг обрўли эксперт ҳисобланади ва шундай музей эгасидир.

Олмониялик Эрнест Амендинг музейида 516та эски фотоаппаратлар бор. Уларнинг айримлари бундан бир аср илгари ишлаб чиқарилган. Шунга қарамай, аппаратларнинг ҳаммаси ишлайди. Уларнинг энг кичиги хассанинг бандига ўрнатилган, энг каттаси эса, 1865 йилда чиқарилган бўлиб, баландлиги салкам бир метр келади.

Франциялик ўқитувчи Бенуа Бертуа тўплами бир неча юзта капалак нусха галстуклардан иборат.

Шу билан бирга у «Янги капалак нусха галстукларнинг моделини ўрганиш ва барпо этиш олий институти» президенти ҳамдир.

Бу қизиқ

«ТОШКЕНТВИЛОЯТСАВДО»

Акциядорлик Компанияси

1999 йил 25 декабрь куни соат 10.00да акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Мажлиси ўтказилишини хабар қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания Низом жамғармасини ошириш ҳақида.

2. Компания Низомига ўзгартиришларни тасдиқлаш.

3. Компания акцияларининг III-чи эмиссияси Проспекти ва Бизнес-режасини тасдиқлаш.

4. Бошқа масалалар.

Саволлар билан 55-53-38, 55-83-73 телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Очиқ турдаги «TOSHKENT VILOYAT KITOB SAVDO VA TA'MINOTI» Акциядорлик Жамияти акциядорлари

ДИҚҚАТИГА!

1999 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да акциядорлик жамияти биносида (Ж. Остонов кўчаси, 7-уй) Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 10.00дан бошланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

2. Жамият бошқарув раисини қайта сайлаш.

3. Ҳар хил масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими меҳнат фахрийси, республика миқёсидаги пенсионер **Султон Комилович ЭШОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбек Давлат Цирки» Республика бирлашмаси

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

1999 йил 24 декабрдан 2000 йилнинг 9 январь кунлари — мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ»

Цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган ҳайвонлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР:

24/XIда — соат 12.00, 14.00да;
29/XIда — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да;
31/XIда — соат 16.00да;
1/Iда — соат 18.00да;
2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9/Iда соат 18.00да.

БОШЛАНАДИ.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50дан ортиқ чипталар ташкилотларга қўшимча тўловсиз етказиб берилади.

Чипталар цирк кассалари ва туман кассалари орқали сотилади.

Ҳақ тўлаш усули — сизга маъқули!

Касса соат 9.00дан очиқ.

Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91, 144-41-81.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 27 ноябрь — 1 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир, тоғли туманларда эса қор ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 4-9, кундуз кунлари 9-14 даража илиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат бироз пасаяди. Кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундуз кунлари эса 5-10 даража илиқ бўлиши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: ***хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.***

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0900. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 17.45. 1 2 3 4 5 6